


Ёқод

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ



ҚАРАҚАЛПАҚСТАН
РЕСПУБЛИКАСЫ
МИНИСТРЛЕР КЕҢЕСІНИН
ҚАРАРЫ

Нүсбە шифри

Нөмірі

№ 767

« 16 », ноябрь

2017 й.ж

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил
13 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим
қарорларига ўзgartириш ва қўшимчалар қилиш, шунингдек,
баъзиларини ўз қучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» ти 907-сонли
қарори ҳақида

(Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётда хусусий
мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»
2015 йил 28 апрелдаги ПҚ-2340-сон қарорин)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётда хусусий
мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»
2015 йил 28 апрелдаги ПҚ-2340-сон қарорига мувофиқ, шунингдек,
республика иқтисодиётида давлат иштирокини қисқарттириш ҳисобида
республика иқтисодиётида хусусий мулкнинг роли ва манқисени тубдан
ошириш, давлат мулк объектларини сотишни жаддалаштириш ва
хусусийлаштириш механизмни такомиллаштириш мақсадида
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қарор қилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил
13 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига
ўзgartириш ва қўшимчалар қилиш, шунингдек, баъзиларини ўз қучини
йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» ти 907-сонли қарори ҳақида ижро учун
раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг маъзур қарори
билан:

а) Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим
қарорларига ўзgartириш ва қўшимчалар қилишга қаратилганлиги;

б) Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи
қарорлари ўз қучини йўқотган деб ҳисобланганлиги;

в) вазирликлар ва идораларга ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий
ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштириш
топиширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.


3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 1-иловага
мувофиқ айрим қарорларига ўзgartириш ва қўшимчалар қилишга қаратилганлиги.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2-иловага
мувофиқ баъзи қарорлари ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий
ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиришлар.

6. Маъзур қарорнинг баҳарлигини назорат қилиш Қорақалпоғистон
Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари ва
Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга
қўмақлаштириш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси раиси З.Қаматов
зиммаларига юклансин.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси
К.Сариев



Вазирлар Кенгашининг
2017 йил « 16 » ноябрдаги
464 -сонли қарорига
1-илова

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг африм қарорларига қирғингаётган ўзғартириш ва қўшимчалар тўғрисида

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2014 йил 17 октябрдаги «Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 11 октябрдаги «Оқрилик шахсларнинг номлари ва рамзларида давлатнинг расмий номидан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 286-сон қарори ҳақида»ги 272-сонли қарорининг 2-банди тўртинчи хатбоши қўйилгани таърифда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра таъкил этилган давлат унитар корхоналари ҳамда давлат органилари ва республика аҳамиятига молик таъкилотлар томонидан таъкил этилган давлат муассасалари».



Вазирлар Кенгашининг
2017 йил « 16 » ноябрдаги
464 -сонли қарорига
2-илова

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ўз қучини йўқотган деб эътироф этилаётган қарорлар рўйхати

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2017 йил 24 июндаги «Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашниш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармаси маблағларини шакллантириш, таъкиллаш ва улардан фойдаланиш тартиб тўғрисидаги Низомни таъкиллаш ҳақида» 391-сонли қарори тўғрисида»ги 418-сонли қарори билан маълумот учун қабул қилинган 2-илованинг 7-банди.

